

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

ҒАНИЕВ ФИРДАВС

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚРОЗ ДАВРИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

5A340102 «Иқтисодиёт» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Иқтисодиёт» кафедраси
мудири, проф. Б.А.Абдукаримов
_____ «__» _____ 2012 й.

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Б.А.Абдукаримов

САМАРҚАНД – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	36
------------	----

I-БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ.....

- 1.1. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасининг табиати ва моҳияти.....
- 1.2. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.....
- 1.3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....

II-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КўРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ.....

- 2.1.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.....
- 2.2.Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили
- 2.3Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари самарадорлигининг омилли таҳлили.....
- 2.4. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

III-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....60

- 3.1. Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириш борасидаги муҳим вазифалар.....
- 3.2. Хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари.....65

Хулоса ва таклифлар.....

Адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Хусусан хизмат курсатиш ва сеовис соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суратларда ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилди. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда, кейинги йилларда республикаимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари номли асарларида, «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) қарори ҳамда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастурда хизмат соҳаларини ривожлантиришга ва бандлик масалаларига катта эътибор қаратилган.

Инқироз шароитида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришилди. Аммо, ҳозирда ҳам тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини такомиллаштириш, уни пул маблағлари билан таъминлаш муаммолари ўз ечимини кутмоқда.

Тадқиқотнинг долзарблиги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида хизмат соҳаларини ривожлантириш орқали бандлик масалаларини етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва айрим назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Пардаев М.К., Қудратов Г. Абдукаримов Б. А., Мирзаев Қ ва Э.Файзиев кабиларнинг илмий ишларида ёритилган.

Бу ишларда хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уни тараққий эттириш концепциялари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўллари ва услублари етарли даражада тадқиқ этилган. Бироқ, ҳукуматимиз томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш, унинг бандликни таъминлашдаги аҳамиятини ва ЯИМ даги улушини ошириш масалалари кўзда тутилганлиги мазкур танланган мавзунинг янада долзарблигини ва бу борада ҳали етарлича иш олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатлари шароитида Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантириш орқали бандлик ва фаровонлик масалаларининг назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини илмий–амалий жиҳатдан асослаш;
- Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш заруриятини янгича бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилиш;

- инқироз шароитида, мавжуд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида соҳани ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;
- Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти бўлиб, Самарканд вилоятида Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ва хусусий тадбиркорлик субъектларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Математик моделлар, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш, корреляция ва регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

Ишнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид асарлари, фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор муносабатлари шароитида вилоятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасининг табиати ва моҳияти.

Сервис фаолияти деганда якка тартибдаги хизматларни кўрсатиш орқали инсонлар талабини қондиришга йўналтирилган фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шуғулланишадилар. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган сервис корхоналари киради. Улар меҳнатининг натижаси бўлиб хизмат ҳисобланади.

Хизмат деганда аввало меҳнат маҳсулотини тушуниш лозим. Ушбу маҳсулотнинг асосий белгиланиши бўлиб, инсонларнинг аниқ талабларини қондириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда хизмат-бу инсонларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

Ушбу фаолият маҳсулотда гавдаланиши (моддий хизматлар), ҳамда меҳнат жараёнининг ўзида истеъмол қилинадиган фойдали меҳнат самараси сифатида (номоддий хизматлар) намоён бўлади. Масалан тикувчининг хизмати шундан иборатки, у костюм, шим ва бошқа буюмлар тикади. Унинг фаолияти ушбу буюмларда гавдаланади (моддий хизмат).

Хизматнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, унинг истеъмолчи учун фойдалилиги ҳисобланади. Бу ерда шуни инобатга олиш зарурки, фойдалиликка ҳам моддий, ҳам номоддий хизматлар мажмуаси киради. Шу сабабли хизматнинг ижтимоий функцияси бўлиб, бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳаёт фаолияти учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади.

Хизматдан фойдали самара-бу инсоннинг у ёки бу талабини қондиришга бевосита йўналтирилган хизматнинг ялпи фойдали хусусиятидир.

Хизмат истеъмолчиси-бу шахсий эҳтиёж учун хизматни оловчи, буюртма берувчи ёки уни олиш ва буюртма бериш ниятида бўлган фуқародир.

Хизматни бажарувчи-истеъмолчига хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ёки тадбиркор.

Хизматнинг натижаси бўлиб, товарнинг истеъмол хусусиятларини қайта тиклаш (ўзгартириш, сақлаш), буюртмага биноан янги маҳсулот яратиш, истеъмол шароитларини яратиш, соғлиқни, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар ҳисобланади.

Сервис фаолиятида идел ва реал хизмат тушунчалари мавжуд.

Идеал хизмат-бу сервис фаолиятининг у ёки бу туридаги абстракт, назарий моделдир. У ўз ичига аҳолига хизмат кўрсатиш қоидалари, сифат стандартлари ва хизмат кўрсатиш технологияларини олади.

Реал хизмат-бу истеъмолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган аниқ моддий ҳаракатлардир. Ушбу хизматлар бажарувчилар, истеъмолчилар, уларни кўрсатишнинг аниқ шароитларига қараб якка ҳолатда тартиблаштирилади.

Ҳозирги кунда сервис ташкилотлари моддий ва ижтимоий-маданий хизматларни амалга оширадилар.

Моддий хизматлар деганда, инсонларнинг моддий талабларини қондирувчи хизматлар тушинилади. Ушбу хизматлар маҳсулотларнинг истеъмол қийматини қайта тиклайди (ўзгартиради, сақлайди) ёки истеъмолчилар буюртмаларига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради, истеъмол учун шарт - шароитларни яратиб беради. Жумладан моддий хизматларга маиший хизматлар (маҳсулотлар, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар, сартарошхона хизматлари, фото хизматлар), турар жой-коммунал хизматлар, оммавий овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, қишлоқ хўжалик хизматлари ва бошқалар киради.

Ижтимоий-маданий хизмат деганда инсонларнинг маънавий, интеллектуал талабларини қондирувчи ва уларнинг нормал ҳаёт фаолиятини

қўллаб қувватлашга мўлжалланган хизматлар мажмуаси тушунилади. Ушбу турдаги хизматлар соғлиқни сақлаш ва уни тиклаш, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини ва унинг профессионал тажрибасини оширишга қаратилган. Ижтимоий-маданий хизматлар таркибига, тиббий хизматлар, туризм, маданий ва таълим хизматлари киради.

Юқорида қайт қилинганидек моддий хизматларнинг натижаси бўлиб, бажарилган иш ёки маҳсулот ҳисобланади. Ижтимоий-маданий хизматлар натижаси моддий шаклга эга бўлмайди. Масалан туристик ва экскурсия хизматлари натижалари маҳсулот яратиш жараёнидан фарқ қилади.

Моддий ва ижтимоий-маданий хизматлар бир бирини доимий равишда тўлдирувчи ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда товарларни харид қилишга хизматларни истеъмол қилиш ҳамроҳ бўлади. Масалан оммавий овқатланиш хизматларини истеъмол қилишда, истеъмолчи товар олади. Ушбу товарга озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қиладиган жой, таомлар ва ичимликларни бериш бўйича хизматлар, психологик дам олиш ва ҳокозолар киради.

Истеъмолчиларга хизматлар уларга хизмат қилиш жараёнида амалга оширилади.

Хизматларни тақдим этиш деганда, хизматнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган хизмат бажарувчисининг фаолияти тушунилади. Хизматларни тақдим этиш алоҳида босқичларга бўлинади. Улар жумласига зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, бажаришнинг технологик жараёни, назорат ва баҳолаш, хизмат кўрсатиш жараёни киради. Шундай қилиб, хизматлар истеъмолчилар ва уни амалга оширувчилар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Хизматнинг ҳаёт даври бир неча босқичларга бўлинади:

Истеъмолчиларга таклиф этилаётган хизматлар бўйича маълумот бериш;
хизматга буюртмани қабул қилиш;

хизматни бажариш;
хизматни бажариш сифатини назорат қилиш;
истеъмолчи буюртмасини бериш.

Хизматнинг истеъмолчиси ва бажарувчиси ўртасидаги ўзаро алоқалар хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлади. Ушбу ўзаро алоқаларнинг тавсифи тақдим этилаётган хизматларнинг шаклига боғлиқ бўлади, бевосита ва билвоситаларга бўлинади. Бевосита ўзаро алоқаларда хизматни бажарувчи ва унинг истеъмолчиси ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатилади. Билвосита ўзаро алоқаларда эса, алоқа воситачилар орқали ёки хизматни бажарувчисининг ёрдамчи ходимлари ёрдамида амалга оширилган алоқа (хизматлар) киради.

Хизмат кўрсатиш-бу хизматни бажарувчисининг унинг истеъмолчиси билан бевосита алоқасига тўғри келадиган фаолиятидир. Ушбу хизмат кўрсатиш жараёни сервис корхонасининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчи буюртмасини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш лоиҳасини ишлаб чиқиш (техник вазифалар ва хизмат кўрсатиш жараёни), хизматнинг зарурий сифатини белгилашни ва таъминлашни, истеъмолчига етказишларни олади.

Ҳозирги шароитда республикамизда ўз фаолиятини амалга ошираётган сервис соҳаси мутахассислари хизмат кўрсатишнинг барча сир атворлари тўғрисида касбий билим, малака ва кўникмага эга бўлишлари лозим. Жумладан, ресторан мижозларига хизмат кўрсатишда, официант мижозлар билан муомала қилиш малакасига, этикет билимига, таом ва ичимликларни узатиш ва йиғиш кўникмаларига эга бўлмоғи шарт. Хизмат кўрсатиш сифати кўпчилик ҳолатларда хизмат кўрсатиш услубларига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш услублари корхоналар турларига тегишли бўлади. Масалан тез хизмат кўрсатувчи оммавий овқатланиш корхоналарида таомларни тайёрлаш ва етказиб беришнинг юқори тезлиги зарур бўлади. Кечқурунги ва кечки мижозларга хизмат кўрсатувчи ресторанда эса

таомларни секинлик билан тортиш, столни сервировка қилиш қоидалари, таомларни тортиш ва этикет қоидаларини инобатга олган ҳолдаги юқори сифатли хизматларни кўрсатишни тақозо қилади.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сервис корхонасининг ихтисослаштирилган хоналарида ёки хизмат тури ва буюртмачи талабига таълуқли равишда хизматни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа жойда амалга оширилади. Хизмат кўрсатиш сифатига хизмат кўрсатиш шароитлари бевосита боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмолчига таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб сервис фаолиятининг асоси бўлиб, хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ходимлар, хизмат кўрсатиш воситалари ва хизмат кўрсатиш шароитлари ҳисобланади.

Сервис корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарларнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий-бошқарув иш ўз ичига қуйидагиларни олади:

корхонанинг сервис фаолиятини режалаштириш, бозорнинг ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболлини белгилаш;

ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш;

хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда технологик асбоб-ускуналар ва техник воситалар таркибини оптималлаштириш;

истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Шундай қилиб сервис фаолияти қийин ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларни ва ресурсларини яхши бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда

1.1.1-жадвал.

Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)

Хизмат турлари	2008 й	2009 й	2010 й

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари,

транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

Масалан, республикамиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

1.1.2-жадвал.

2011 йилда Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг асосий кўрсаткичлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат ишлаб чиқариш	Чакана савдо		Пуллик хизмат		Хизматлар, жами		
Манба: Самарқанд		вилояти	статистика	бошқармаси	маълумотлари.				

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага ошириш вазифаси янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланади.

Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислохатлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим бўлади. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган сервис тизимини ривожлантириш аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондиришнинг муҳим йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот шундан далолат берадики, ҳозирги кунда сервис тизими фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти давлат иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиётли давлатларда сервис тизими соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади. Сервис фаолиятини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳамда аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш мумкин бўлади. Масалан 1997 йилда АҚШ да хизмат соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 72,0% , Италия ва Швейцарияда 60,5% , Россияда 50,0% банд бўлган.

Ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталарига келиб хизмат кўрсатиш соҳасида айрим ноаниқ ҳолатлар вужудга келди. Яъни аҳолининг сервис хизматларига эҳтиёжи юқори бўлсада, ушбу турдаги хизматларга бўлган талаб камая бошлади. Талабнинг камайиши ўз навбатида хизматлар нархларининг кескин даражада ошишига олиб келди. Сервис хизматини амалга оширувчиларининг ўзлари ҳам истеъмолчилар талабларини тўлиқ қондира олмасликларини яхши тушунар эдилар. Бундай ҳолатларнинг вужудга келиш сабабларидан асосийлари, турли хил материалларнинг етишмаслиги, хизмат кўрсатиш

тизими соҳаси корхоналардаги техник хизмат кўрсатиш такомиллашмаган ва бошқа бир қатор объектив сабабларнинг вужудга келиши ҳисобланади.

Албатта бундай ҳолатда сервис тизими фаолиятини амалга оширувчилар хизмат сифати ва маданиятини ошириш зарурлигини англай бошладилар.

Истеъмолчиларга янги сифатдаги хизматларни таклиф этувчилардан биринчиси бўлиб, турли маиший хизмат кўрсатувчи кооперативларни келтириш мумкин. Уларнинг вужудга келиши билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қайта қуриш бошланди десак муболаға бўлмайди.

Аҳолининг кооперативлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятига қизиқиши аста секин ортиб борди. Чунки улар томонидан амалга оширилаётган хизматлар сони ва сифати давлат корхоналаридан анча юқори эди.

Кооперативларнинг кескин равишда ошиши давлат корхона ва ташкилотлари, муассасалардан бўшаганлар ва бошқалар учун қўшимча иш жойларини ташкил этди. Ундан ташқари кооператив сервис корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, улардаги ходимларнинг меҳнат натижаларига кизиқишлари баланд эди. Яъни кооператив фаолияти натижасида олинган даромад қанча юқори бўлса, ходимлар даромадлари ҳам таалукли равишда юқори бўлган.

Кооператив сервис корхоналарининг ўзига хос афзалликларидан бири шундан иборат эдики, улар ўзлари керакли фаолият турини, кўрсатиладиган хизматлар ассортиментини талабга боғлиқ ҳолда ўзгартириш, нақд пулга керакли материалларни сотиб олиш, хизмат нархларини ошириш ёки камайтириш имкониятларига эга бўлишган. Давлат корхоналарида бундай имконият бўлмаган.

Лекин давлат корхоналарининг кооператив корхоналарига қараганда афзалликлари ҳам мавжуд эди. Улардан асосийси шундан иборат эдики, кооперативлар бинолар ва асбоб - ускуналарни ўз маблағлари ҳисобига харид

килишсалар, давлат корхоналари режага таълуқли равишда молиялаштирилган, ундан ташқари кооперативлар ихтиёрида эски асбоб-ускуналар мавжуд бўлиб, улар буюртмаларни ўз вақтида бажариш борасида маълум қийинчиликларни бошларидан кечиришган. Шунга қарамасдан кооперативларда иш ҳақининг миқдори давлат корхоналаридагига қараганда юқори бўлган.

Кооперативларнинг айримларида камчиликлар мавжуд булган. Яъни иш ҳақининг бир қисми кооперативни ривожлантириш фондида йўналтирилган. Кооперативларнинг айримлари хизматлар тақчиллигини билган ҳолда, уларнинг баҳоларини асоссиз равишда ошириш ҳисобига қўшимча даромадларга эга бўлишганлар.

Юқорида қайд қилинган камчиликларга қарамасдан кооперативлар мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлишганлар, Яъни улар уйдаги кам унумли бўлган меҳнатни камайтириш эвазига истеъмолчиларнинг бўш вақтларини оширишга эришганлар.

Ўша даврлар тадқиқотлари шундан далолат берадики, кооперативлар давлат корхоналарига қараганда анча тез ва самарали фаолият юритишганлар.

1.2. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масаласининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) Президент қарори ва 2012–2016 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, 2016 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54-56 фоизга

етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора тадбирлари кўзда тутилган.

2012-2016 йилларда Президент қарорига биноан, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади¹:

1. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қўллай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган.

2. Хизматлар ҳажмини юқори сураътларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2016 йилда 54-56 фоизга етказиш.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини мунтазам ошириб бориш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

¹ Ушбу йўналишлар бевосита Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) қарорда ва «Ўзбекистон Республикасида 2012–2016 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури» да келтирилган.

6. Хизматларнинг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал ривожлантириш.

7. Мамлакатимиз хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Энг муҳими, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ушбу тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларни ва вазифаларни батафсил бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур кенг қўламли бўлиб, унда ҳар бир мутасаддига аниқ вазифалар белгилаб берилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқдилар ва унинг бажарилиши мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Бундан ташқари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан йиллик ҳисоботларда мазкур масала эшитилади ва барча ҳудудлар бўйича бажарилиши назорат қилиб борилади.

Президентимизнинг ушбу қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлик даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Мамлакатда

ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 30 фоизни, 2005 йилда 38,3 фоизни, 2006 йилда 39,5 фоизни 2011 йилда 50,5 фоизни ташкил қилган бўлсада, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 60-80 фоизгача етмоқда ва иқтисодиётларида банд бўлган аҳолининг 70 фоизи айнан шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз соҳани жадал ривожлантириш зарурлигига катта эътибор қаратди. Зеро, хизмат соҳаларининг ривожланмаганлиги аҳоли истеъмол харажатлари таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши 15,4 фоизни ташкил қилса, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 50-60 фоизни ташкил этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, хизмат соҳаларини ривожлантириш оилаларни маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт турлари билан таъминлаш даражасининг ошишига ҳамда уларга кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайишига ҳам имкон яратади. Шунингдек, 2011 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобил алоқа ва интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман олганда ўсиш тенденциясига эга. Мазкур қарорда кўрилган чора-тадбирлар ва уларга берилган имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келади.

Хизмат соҳасига эътибор фақат мазкур қарор билан чегараланиб қолган эмас. Бунга муттасил эътибор берилиб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда хизмат соҳаларини рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналар ташкил этиш ва уни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда муҳим ўзгаришларга олиб келди.

Хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнес ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам топмоқда. Бугунги кунда маданий–маиший ускуналарини ижарага бериш ва таъмирлаш ишлари хусусан, кийим кечакларни таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш (йўловчиларни ташиш), хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (мебел, қурилиш материаллари, иътемол товарларини) етказиб буриш учун керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Президентимизнинг яна бир «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) қарорига биноан, мамлакатда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари қаторига мамлакатимизда ан-навий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу тадбир, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Фармон ва Низомларда уй шароитида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантиришга реал имкониятлар яратиб берилган. Бу имкониятлар натижасида мамлакатда қарийб 570 мингта янги иш ўринлари яратилди. Айниқса 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган.¹ Бу кўрсаткич 2010 йилда 250 мингтани ташкил этди.² Тадбиркорлик фаолиятдан тушаётган даромад эса, оила даромади таркибида янада кўпроқ ўрин эгалляпти. Келажакда оила эҳтиёжларининг камида 50 фоизини айнан шу фаолияти ҳисобига қопланишига эришиш лозим бўлади.

Юқоридаги номи зикр этилган меъёрий ҳужжатларда «касаначилик» тушунчаси кенг қўлланилган. Касаначилик - бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тарихий шаклларида бўлиб, бунда ишчилар тадбиркорлардан зарурий хом ашёларни олиб, буюртма асосида товар ва хизматлар ишлаб чиқарадилар ва барча ишлаб чиқариш жараёни ишчилар оиласида содир бўлади. Ишлаб чиқаришнинг бундай шакли тадбиркорларга анча моддий манфаатлар келтиради. Булар қўйидагилар билан тавсифланади.

1.3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда

1

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Ўзбекистон Овози” 2007 йил 13 феврал.

² Каримов И.А. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2008 йил 9 феврал.

хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг кўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг қондасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси қанчалик юқори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юқори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юқори бўлса, улар оилавий бюджетининг кам қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда оилавий бюджетнинг 18-20%и озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.

Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги тадқиқотлар. Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди¹. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимооти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан чамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топмоқда. У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан

ифодаланади.¹ Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради.

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарқ XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Ўша даврдаёқ капитал сиғимининг юқорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қурилиш хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юқорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тухталиб ўтишган. Қуйидаги жадвалда 1981-2000 йилларда ривожланган мамлакатларда хусусий унумдорлик кўрсаткичларидан бирининг ўсиш суръати статистикаси келтирилган.

1.3.1 - жадвал

Ривожланган мамлакатларда 1981-2000 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлиги ўсиш дарадаси (%да).²

Германия	Франция	Англия	Япония	АҚШ
2,6	2,6	1,7	2,3	0,2
2,0	1,9	0,8	1,9	0,1
5				
1				
,				
0				

¹ Маркова М.Д. Маркетинг услуг. М.Финансы и статистика. 1996 С-8

² Service industries and economic performance. US department ofCommerce Economics and Statistics Administration Office of Policy Development. 1996 – p13


Жадвалдан кўриниб турибдики, хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини пасайиши барча мамалакатларда рўй берган, айниқса Францияда (2,6% дан 1,9%гача), Англяда (1,7%дан 0,8 %гача), Германияда (2,6%дан 2,0%гача) мазкур кўрсаткични пасайиш тенденцияси юқорирок бўлган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот технологиялари моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда самарадорликни ошишига олиб келишини ҳеч бир иқтисодчи инкор қилмайди, аммо унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таъсири масалалари очик қолмоқда. Бунга боғлиқ ҳолда, саноатга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни юқори эканлигини кўпчилик хориж иқтисодчилари хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги билан ифодаляйдилар.

1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси»¹га кўра комьютер технологиялари учун қилинган инвестиция ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.

Уни таъкидлашича, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда комьютер технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат унумдорлигини йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда) унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори

технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштирса, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унимдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли-туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган (1.3.1.-расм).



1.3.1.-расм. Дж. Зингельманнинг хизматларни таснифлаш таркиби.

Дж.Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бири тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун, банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол

учун, жарроҳлик аралашуви, ташхис қўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни ҳаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолиятини самарадорлик кўрсаткичини пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юқори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва ҳоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимларининг иш ҳақини 67% ни ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда – 15% га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5% ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4 %ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унимдорлиги 0,35% га камайиб борган¹. Шундай қилиб, иқтисодиётни умумий таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб боришига қарамай, бу соҳа узоқ вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унимли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатан ҳам унимдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унимдорлиги барқарор

¹ Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародексы постциду с триальной эканомики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4

ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Трипплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унимдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткични йиллик ўсиши 2,2 -2,9 % ни ташкил этди¹.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушинтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда. Биринчидан энг кўп тарқалган вариант сифатида унимдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сўрган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кўра 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6% ни ташкил этган. Жумладан ахборот – таълим хизматлари 11,6% ни, бошқарув хизматлари 6,11% ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ухшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида унимдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унимдорлигини (самарадорлигини) барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Нервигиода) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унимдорлигини ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг

кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт ўтиши билан меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

II-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОХАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1.Хизматлар соҳаси корхоналарида асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили

Ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайtimi, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонлари, кўрсаткичлари тизимини таҳлил қиладиган бўлсак иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти қонуларига мос равишда олиб бориш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Корхонада самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда самарадорликни аниқлашда барча кўрсаткичларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга натурал кўрсаткичлар киради. Иккинчи гуруҳга иқтисодий кўрсаткичлар киради. Ҳар

икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш самарадорликни аниқроқ кўрсатади. Шу сабабли биз самарадорликни аниқлашда натурал ва иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{\text{тк}}$);
- * хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{\text{хм}}$);
- * Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($R_{\text{их}}$),
- * Активлар рентабеллиги. ($R_{\text{а}}$);
- * хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{\text{хк}}$);
- * Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:
- * Эскириш коэффиценти ($K_{\text{эск}}$)

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайtimi, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўллansa, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

1. Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{\text{тк}}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий

воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{TK} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{A_2} =$$

Бу ерда:

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

P_2 – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри;

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар тўлов қобилияти коэффиценти ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{ХМ}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{ХМ} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A_1}$$

Бу ерда:

A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

$Дзк2$ – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ux}),

$$P_{ux} = \frac{C\phi}{MI}$$

ёки

$$P_{ux} = \frac{Я\phi}{MI}$$

Бу ерда: $Я\phi$ – ялпи фойда;

$C\phi$ – соф фойда;

$МИ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннари.

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

бу ерда: $C\phi$ – соф фойда $P_a = \frac{C\phi}{ЖА}$

$ЖА$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Агар рентабеллик коэффициентлари нолда кичик бўлса корхона зарар билан ишлаётган деб ҳисобланади

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентини ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{\Pi_1}{\text{_____}}$$

Бу ерда:

Π_1 – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар,бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати йил охирида бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжудлигининг аломати бўлади. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{kf} = \frac{Q_{\text{ҳақиқий}}}{\text{---}}$$

Q ҳақиқий. – ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Q лойиҳа.– максимал, лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати

Q ижара. –ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Q консерв. – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан ёки тармоқ бўйича ўртача қийматдан кичик бўлса, корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш паст даражада деб қабул қилинади.

7. Эскириш коэффициенти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{\text{эск}} = \text{Ав.эс} / \text{Ав.бқ}$$

Бунда:

Авэ – асосий воситалар эскириш суммаси;

Авбқ – асосий воситаларнинг бошланғич ишлаб чиқариш қиймати;

Асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлмаслиги лозим.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналарнинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган.

Иқтисодий хатарли корхона учун тўлов қобилияти коэффиценти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти меъёрдан дан кичик бўлса, молиявий мустақиллик коэффиценти 0,5 дан кичик бўлса, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 дан кичик бўлса корхоналар иқтисодий хатарли корхона деб топилади.

Иқтисодий ночор корхона учун пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиши лозим.

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, шу билан бирга Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор бўлса, яъни тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{\text{тк}}$)меъёрда, рентабелли ва хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{\text{хм}}$) юқори бўлса “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор” деб қабул қилинади

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, унинг қиймати энг кам иш ҳақининг 500 бараваридан юқори бўлса ва Активлар рентабеллиги. (R_a)паст, тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{\text{тк}}$)кичик, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{\text{хм}}$)паст бўлса корхона “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти йўқ” деб қабул қилинади

Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги яқуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси юқоридаги меъёрлардан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида *фойдани максималлаштириши* ёки *харажатларни минималлаштириши* ётади.

Шартли мисол келтириб ўтамиз. Айтайлик, корхонанинг 10 млн сўм миқдорида маблағи бўлиб, бу маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн сўм сарф қилганда қўшимча 11 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни фойда 1 млн сўмни ёки қўшилган капиталнинг 10 % қисмини ташкил қилади.

Агарда корхона ушба маблағни банкка йилига 12 %ли депозит ҳисобига қўйганида, фоизлар учун 1,2 млн сўм фойда олган бўлар эди. Демак, муқобил харажатларни ҳисоблаганда корхона 0,2 млн сўм миқдоридаги қўлдан чиқариб юборилган фойдани ҳам ҳисобга олиши лозим. Бироқ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тарқалган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чиқарсада, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эриша олмайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Асосий фондлар ва уларнинг структураси.

Асосий фондлар – бу узоқ муддат давомида натурал шаклда бўлган меҳнат воситалари йиғиндисидир. У ўз қийматини маҳсулот қийматига эскириш даражасига қараб қисман ўтказди.

Асосий фондлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари
2. Бинолар

3. Қурилмалар
4. Узатма мосламалар
5. Асбоб-ускуналар
6. Тарнспорт воситалари
7. Ишлаб чиқариш ва ҳқжалик ашёлари
8. Ишчи ва махсулдор хайвонлар
9. Узоқ йиллик экинлар
10. Асосий воситаларнинг қолган турлари

Ўзининг белгиланишига кўра асосий фондлар ишлаб чиқариш ва но ишлаб чиқаришларга бўлинади. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра асосий фондлар актив ва пассивга бўлинади. Актив фондлар (машиналар, асбоб-ускуналар) бевосита ишлаб чиқаришга, махсулот (хизматлар) сони ва сифатига таъсир кўрсатади. Пассив фондлар (бинолар, қурилмалар) ишлаб чиқариш жараёни учун зарур шарт шароитлар яратади.

Асосий фондларнинг ҳар қандай объектлари жисмоний ва маънавий эскириши мумкин, яъни техник ва иқтисодий омиллар таъсирида. Натижада аста секинлик билан ўз хусусиятларини йўқотишади. Шу сабабли уларни алмаштириш масаласи вужудга келади, асосан уларнинг актив қисмини.

Хизматлар соҳасидаги корхоналардаги асосий фондлар таснифи уларнинг умумийсига ўхшашдир. Аммо айрим хусусиятлари мавжуд.

Жумладан ресторан, корхонаси асосий фондлари хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ресторан асосий фондлари структурасида савдо корхонасига қараганда машина ва асбоб-ускуналар улуши юқоридир, тегишли равишда амортизация ажратмалари ҳам;

- ресторан асосий фондлари иш вақти давомида нотекис юкланган. Бу истеъмолчилар оқими ва ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотлари хусусиятларига боғлиқ.

Асосий фондларнинг хусусияти бўлиб, улар қийматининг бир қисмини тайёр маҳсулот қийматига ўтказилиши ҳисобланади. Бундай ўтказилиш шундай содир бўладики, асосий фондларни эксплуатация даврида уларнинг қопланиши амалга оширилсин. Асосий фондлар қийматининг бир қисмини маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига (таннарх) ёки бажарилган ишларга киритилиши амортизация деб номланади. У асосий фондларни келгусида тўлиқ ёки қисмана такрор ишлаб чиқариш учун пул маблағларини тўплаш мақсадида амалга оширилади.

Бозор мунособатлари шароитида амортизация ажратмаларининг катталиги корхона иқтисодиётига муҳим таъсир кўрсатади. Бир томондан, ажратмаларнинг жуда катта ҳиссаси ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини оширади, тегишли равишда, маҳсулот раёбатбардошлигини камайтиради, олинадиган фойдани камайтиради.

Иккинчи томондан ажратмалар ҳиссасининг камайтирилиши, асосий фондларни харид қилишга жалб қилинган маблағлар айланиши муддатини узайтиради, бу эса уларнинг қаришига ва натижада рақобатбардошлигинининг пасайишига, бозордаги ўз ўрнини йўқотишга олиб келади.

Амортизация нормаси-бу асосий фондларнинг ҳар бир тури учун бир йилда фойизлардаги амортизация ажратмаларининг миқдори. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Фд.қ.

$N_a = \frac{\text{-----}}{\text{-----}} - 100$

$T \times \text{Фд.қ.}$

Бу ерда Фд.қ. – асосий фондларнинг дастлабки қиймати, сўм

T - ушбу турдаги асосий фондларнинг норматив хизмат муддати, йил.

Жумладан дастгоҳнинг баҳоси 400 минг сўм, ундан фойдаланиш муддати 5 йилни ташкил этса, амортизация нормаси ташкил этади:

$$H = \frac{\quad}{5 \times 400} - 100 = 20 \%$$

Амортизация ажратмаларининг йиллик сумммаси (А) ташкил этади:

$$A = \frac{\Phi_{д.к} \times H}{100} = \frac{400 \times 20}{100} = 80 \text{ минг сўм.}$$

Асосий фондларнинг самарали турлари бўйича тезлаштирилган амортизация рухсат берилган, яъни амортизацияни юқори нормалар бўйича ажратиш (аммо икки баробардан зиёд бўлмаган) кичик корхоналарга уч йилдан юқори хизматдаги барча асосий фондларга тезлаштирилган амортизацияга рухсат берилган. Шу вақтнинг ўзида айрим корхоналарда ҳаракатдаги нормалар бўйича амортизация ажратмалари паст рентабелликка ҳатто улар маҳсулотларининг зарарлилигига олиб келмоқда. Шу сабабли “секинлаштирилган” амортизацияга рухсат берилган, яъни паст нормалардаги амортизация ажратмаларига.

Амортизациянинг юқори ёки паст нормаларини қўллаш корхона раҳбари томонидан аниқланадиган қатор йиллар учун ҳисоб сиёсатида кўзда тутилиши лозим.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

I. Биринчи гуруҳ – умумлаштирилган кўрсаткичлар:

1. Фондлар қайтими. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Phi_k = \frac{B}{\Phi}$$

Бу ерда B – маҳсулотни сотишдан тушган йиллик тушум, сўм
 Φ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўрта йиллик қиймати, сўм.

Фондлар қайтими асосий ишлаб чиқариш фондларига жалб қилинган ҳар бир сўмдан фойдаланишнинг умумий қайтими қандайлигини кўрсатади, яъни ушбу маблағларнинг жалб қилиниши қанчалик самарали эканлигини.

Асосий фондларнинг ўрта йиллик қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Phi = \Phi_1 + \frac{\Phi_{\text{жор}} * K}{12} - \frac{\Phi_{\text{кет}} * (12 - K)}{12}$$

Бу ерда, Φ_1 – йил бошидаги асосий фондлар қиймати, сўм

$\Phi_{\text{жор}}$ – йил давомида жорий қилинган асосий фондлар қиймати, сўм

$\Phi_{\text{кет}}$ – йил давомида кетаётган асосий фондлар қиймати, сўм

K – йил давомида асосий фондларнинг тўлиқ бўлган ойлар сони

Фондлар қайтимининг тескари кўрсаткичи бўлиб, маҳсулот фондлар сиғими ҳисобланади ($\Phi_{\text{сиғ}}$). У маҳсулот бирлигига тўғри келадиган асосий фондлар қийматини тавсифлайди (сўмларда) ва қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_{\text{сиғ}} = \frac{\Phi}{B}$$

Фондлар қайтимининг ўсиши ва фондлар сиғимининг камайиши асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланишидан далолат беради ва тескариси.

Асосий фондларнинг турлари ёки турли гуруҳларининг эскириш коэффициенти

$$K_{\text{э}} = \frac{З_{\text{э}}}{\Phi_{\text{б}}}$$

Бу ерда, $З_{\text{э}}$ – эскириш қиймати

Фб – барча ёки алоҳида гуруҳдаги асосий фондларнинг дастлабки қиймати

Иккинчи гуруҳ – асосий фондларнинг таркиби ва структурасини баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичлар:

Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти:

$$K_{\text{я}} = \frac{\Phi_{\text{жор}}}{\Phi_{\text{й.о.}}}$$

Бу ерда $\Phi_{\text{жор}}$ – маълум даврда жорий қилинган асосий фондлар қиймати,

$\Phi_{\text{й.о.}}$ – ушбу даврнинг охиридаги асосий фондлар қиймати.

Асосий фондларнинг кетиш коэффиценти :

$$K_{\text{к}} = \frac{\Phi_{\text{кет}}}{\Phi_{\text{й.б.}}}$$

Бу ерда $\Phi_{\text{кет}}$ – муаян даврда кетаётган асосий фондлар қиймати,

$\Phi_{\text{й.б.}}$ – ушбу даврнинг йил бошидаги қиймати.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти:

$$K_{\text{ўсиш}} = \frac{\Phi_{\text{жор}} - \Phi_{\text{кет}}}{\Phi_{\text{й.б.}}}$$

Бу ерда $\Phi_{\text{жор}}$ – муаян даврда янги жорий қилинган асосий фондлар қиймати,

$\Phi_{\text{кет}}$ – муаян даврда кетаётган асосий фондлар қиймати.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражасининг қайт қилинган кўрсаткичлари у ёки бу даражада барча корхоналар учун тавсифлидир, шу жумладан хизматлар соҳаси корхоналари учун ҳам. Охирчилари ўз фаолиятларининг хусусиятларига кўра бошқа кўрсаткичларни ҳам қўллашлари мумкин.

Жумладан рестораннинг асосий фондларидан самарали фойдаланишни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- савдо зали 1 кв. м. майдонининг бир жойи учун чакана товар айланиши;
- савдо зали 1 кв. м. майдонининг чакана товар айланиши;
- хусусий ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича 1 кв. м. ишлаб чиқариш майдонига айланиш;
- корхона ишчиси, ишлаб чиқариш ходими, бир истеъмолчи ҳисобига савдо залидаги жойлар сони.

Мехмонхона ва ресторан хўжалигида асосий фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тақдим этилаётган хизматлар хажми, фойда, меҳнат харажатларининг тежамида намайён бўлади. Асосий фондлардан интенсив фойдаланиш қўшимча капитал харажатларсиз хўжалик фаолиятининг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Ҳар қандай ташкилот, хусусан ишлаб чиқариш корхонаси учун асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Асосий фондларни қўллаш самарадорлиги улардан фойдаланишни яхшилашнинг экстенсив ва интенсив омиллари қанчалик тўлиқ жалб қилинганлигига боғлиқ.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив яхшилаш ҳаракатдаги асбоб-ускунанинг иш вақтини ошириш, шунингдек корхонадаги мавжуд асбоб-ускуналардан тўлароқ фойдаланишни кўзда тутди.

Асбоб-ускуна иш вақтини оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таъмирлаш ва хизмат кўрстиш сифатини ошириш ҳисобига асбоб-ускунанинг смена ичидаги тўхтаб туришини камайтириш ва тугатиш, ишлаб чиқаришни ишчи кучи, хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, электр энергияси билан ўз вақтида таъминлаш;

- асбоб-ускунанинг тўхтаб туришини камайтириш, унинг сменали иш коэффициенти ошириш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши бўлиб, харид қилинган лекин ўрнатилмаган асбоб-ускунани тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек ортиқчасини сотиш ҳисобланади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив яхшиланиши асбоб-ускунанинг вақт бирлигидаги загрузка даражасини оширишни кўзда тутди. Бу меҳнат қуролларини техник такомиллаштириш ва модернизациялаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш йўли билан эришилади.

Фондлар қайтимини оширишнинг муҳим резерви бўлиб, янги жорий этилаётган ишлаб чиқариш қувватлари ва асбоб-ускуналарни тез ўзлаштириш ҳисобланади.

Хизматлар соҳасидаги айланма маблағларнинг кейинги хусусияти шундан иборатки, уларда омбордаги тайёр маҳсулотлар, жўнатилган маҳсулот маҳсулот тушунчаси йўқ (кичик партидаги тайёрланадиган маҳсулотлардан ташқари, масалан кичик партидаги тортлар ишлаб чиқиш ва сотиш). Бу ерда гап шулдаки, хизматни сақлаш, олдиндан тайёрлашнинг имкони йўқ.

Ресторан мисолида айланма маблағлар хусусияти ва таркибини кўриб чиқиш мумкин. Уларда истеъмолчиларнинг хизмат кўрсатишга, столлар серверовкасига, залнинг жиҳозланишига юқори талаблари туфайли паст нархли ва тез эскирадиган предметга жалб қилинган айланма маблағларнинг хиссаси юқори. Овқатланиш корхоналаридаги нормалаштирилган айланма маблағлар сутруктураси шу билан фарқланадики, уларнинг таркибида катта ҳисса товарлар захиралари, ярим фабрикалар ва хом ашиё учун айланма маблағлар, шунингдек паст нархли ва тез эскирадиган предменлар учун жалб қилинган маблағлар эгаллайди. Нормалаштирилган айланма маблағлар

уларнинг умумий суммасининг 80% га етиши мумкин. Овқатланиш корхонаси бўйича айланма маблағлар структураси конкрет муддатдаги унинг молиявий ҳолати , молия ҳисоб- китоб интизомига риоя қилишга боғлиқ бўлади. Ресторан хўжалиги айланма маблағлари катталигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- Товар айланиши ҳажми ва таркиби ;
- Ишлаб чиқариш дастури;
- Сарфланадиган хом-ашё структураси;
- Харид қилинган товарлар ассортимент структураси;
- Хом ашё ва товарларни етказиш маромийлиги;
- Тижорат ишининг ташкил этилиши;
- Товарлар учун таъминотчилар билан ҳисоб китобларнинг ташкил этилиши ва бошқалар.

Айланма маблағлар тушунчаси, ҳаракати ва аҳамияти.

Айланма маблағларни баҳолаш ва нормалаштириш

Айланма маблағлар уларнинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги ролига боғлиқ ҳолда турли услублар орқали баҳоланади. Ишлаб чиқариш захираси харид нархи бўйича баҳоланади. Уларни ишлаб чиқаришга меҳнат предметлари сифатида берилиши билан улар ишлаб чиқарган маҳсулотга тўлиқ ўтади. Харидор томонидан сотилган товарга ҳақ тўланиши ишлаб чиқариш захираларининг айланишини якунлайди. Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушумнинг бир қисми маҳсулотни тайёрлаш технологиясида кўзда тутилган хом ашё, материаллар, харид қилинган маҳсулотларнинг янги партияларини молиялаштириш манбааси сифатида қайтарилади.

Агарда хом ашёнинг навбатдаги таъминотни юқори ёки паст нархларда амалга оширилса, булар ўз аксини таннархни кўпайиши ёки камайишида топади. Агарда меҳнат предметлари қийматининг ўсиши мустаҳкам тавсифга

эга бўлса, ишлаб чиқариш запасларини қайта баҳолаш зарур, акс ҳолда айланма маб0лағларнинг такрор ишлаб чиқариши таъминланмайди.

Айланма маблағларнинг захираларини минимумлаштириш ва уларнинг айланишини тезлаштириш корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлигининг ошишини таъминлайди. Шу сабабли айланма маблағларни нормаллаштириш зарур ва ҳақиқий норматив захиралари нисбатини кузатиш лозим.

Норматив айланма маблағлар захиралари нормаларини (суткаларда) айланма маблағларнинг таълуқли турлари бўйича бир кунлик товар-материал бойликларга (сўмларда) кўпайтириш орқали аниқланади.

Агарда айланма маблағларнинг захира нормалари бир неча йилга белгиланса (бу технологияга хом ашёни қайта ишлашга, таъминотга ва бошқаларга боғлиқ) унда айланма маблағлар нормативлари ҳар йили аниқлантирилади.

Шундай қилиб айланма маблағларнинг суткадаги нормасини ва бир кунлик Товар моддий қийматларни билган ҳолда алоҳида турлар бўйича айланма маблағлар захиралари нормативини ҳисоблаш мумкин.

Шу билан бирга айланма маблағларнинг умумий эҳтиёжи суммасини аниқланиши, унинг тез вақт ичида сарфланиши лозим деганини англатмайди. Бир томондан маблағларнинг хом ашё ова минералларга <<боғланганлиги>> ,яъни уларнинг четланиши узок тавсифга эга бўлмаслиги лозим, иккинчи томондан хом ашё ва материалларни харид қилиш учун бир вақтдаги катта ҳажмдаги қийматларни талаб қилмасин. Ундан ташқари товар-моддий бойликларни сақлаш ҳам катта харажатлар билан боғлиқ.

Умумий ҳолда захирани яратиш ва моддий бойликларни сақлаш муаммоси қийин, ва унинг ҳал этилиши кўпчилик ҳолатларга боғлиқ, шу жумладан айланма маблағлар айланиш тезлигининг ошишига , ресурсларни тежайдиган технологияларни қўлланишига буюртмалар тавсифига. Ундан

ташқари унинг ҳал этилиши захираларни тегишли равишда бошқариш тизимига ҳам.

Айланма маблағларнинг айланиш тавсифига кўра бир қатор кўрсаткичлар қўлланилади. Унинг оддийси бўлиб айланма маблағларнинг айланиш коэффисиенти ҳисобланади. У қуйидагича аниқланади:

$$Акқ = Cм / Қ$$

Бу ерда $Cм$ - муайян сотилган маҳсулот қиймати (сотишдан келган тушум)

$Қ$ - ушбу даврда айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи вақтда

Жумладан йил бўйича сотишдан келган тушум 200 млн. Сўм бўлса ва айланма маблағларнинг ўрта йиллик қолдиғи 40 млн. сўмни ташкил этса айланма маблағларнинг айланиш коэффисиенти ташкил этади.

$$Акқ = 200 / 40 = 5$$

Бу шуни англатадики, айланма маблағларга жалб қилинган ҳар бир сом 5 марта айланади. Айланиш тезлиги қуйидагича аниқланади.

$$АтқТ / Ак$$

Бу ерда T -кўрсаткичлар айланадиган давр давомийлиги сутка, ой, чоряк, йил.

Айланиш коэффисиентига тескари кўрсаткич айланма маблағларнинг загуруска (юклаш) коэффисиенти ҳисобланади.

$$Кзқ1 / Ак$$

Унинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, сотишдан келадиган ҳар бир сўмга тўғри келадиган айланма маблағларнинг қолдиғини тавсифлайди.

$Кзқ = 40 : 200 = 0,20$ яъни ҳар бир сўмлик сотишдан келган тушумга 20 тийинлик айланма маблағлар қолдиғи тўғри келган.

Айланма маблағларнинг тезлашишидан самара улардан фойдаланишни яхшилаш орқали эҳтиёжнинг камайиш ва уларнинг озод қилиниши ҳисобланади..

Меҳнат предметларидан фойдаланиш самарадорлигини маҳсулот материал сиғими кўрсаткичи орқали аниқлаш мумкин.

$$МсқМ / П$$

Бу ерда М – хом ашё ёқилғи материаллар ,электр энергияси ва бошқа харажатлар

П- ишлаб чиқариш ҳажми

Тескари кўрсаткич бўлиб материал қайтими ҳисобланади.

Хом ашё ,материаллар ва бошқа моддий ресурсларидан қанчалик яхши фойдаланилса , шунчалик материал сиғими камаяди ва материал қайтими ортади. Махсулот материалсиғимини камайтириш учун меҳнат предметларидан фойдаланишни яхшилаш, чиқитларни камайтириш, брак ва паст сифатли махсулотларни чиқаришга йўл қўймаслик, моддий ресурслар йўқотилишига чек қўйиш ва хокозалар.

Айланма маблағлар асосий фондлардан кийин корхона иқтисодиётини аниқловчи ресурсларнинг умумий ҳажмида иккинчи Оринда туради. Корхона иқтисодиётини самарали олиб боориш нуқтаи назаридан айланма маблағларнинг ҳажми бозор томонидан сўралиётган ассортиментдаги ва сифатдаги махсулот ишлаб чиқариш учун етарли бўлиши лозим, шу вақтнинг ўзида минимал даражада бўлиши, яъни нормативдан ортиқ захиралар в.к. туфайли ишлаб чиқариш харажатларининг ортишига олиб келмаслиги керак.

Айланма маблағлар айланишини тезлаштиришнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд.

2.2. Хизматлар соҳаси корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

Тадқиқотнинг мазкур бобида қуйидаги вазифаларнинг ечимини топиш назарда тутилади:

-биринчидан, иқтисодий адабиётларда илгари сурилган хизмат кўрсатиш фаолиятининг турли шаклларида меҳнат унумдорлигининг ҳар хил ўлчами ҳақидаги гипотезалар текширилади ҳамда унинг асосида ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилади.

-иккинчидан инсерт-индивудал ва асимтотик инерт шахссиз хизматлар категориялари самарадорлигини баҳолаш ресурс-сарф ёндашувини чекланганлиги асосланади.

Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши Самарқанд вилоятининг савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат соҳасидаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили асосида тадқиқ этилади.

Маълумки, республикаимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни Ўзбекистонда глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора дастурида кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг устувор вазифа сифатида белгиланганлигида кўришимиз мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида жами хизматлар ҳажми 2006 йилда 452409,9 млн. сўмни ташкил этиб, кейинги йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга, яъни 2006 йилга нисбатан 2008 йилда 166 % га, 2008 йилда 2,2 баробардан зиёд ўсиш тенденциясига эга бўлган хизмат кўрсатиш шакллари ва турларига эга бўлган савдо ва умумий овқатланишда 2006-2010 йилларда 2,6 баробар, транспортда 2,7 баробардан зиёд ўсган.

Вилоятда таҳлил этилаётган даврлар оралиғида юқори суратларда ўсиш тенденцияси алоқа ва ахборотлаштириш, молия хизматлари, сайёҳлик хизматлари ва маҳаллий хизмат соҳаларида кўзатишган. Вилоят маиший хизмат соҳасидаги иқтисодий ўсиш 2008-2010 йилларда 6,4 баробарга ошган. Бунинг асосий сабаби маиший хизмат соҳасининг бошқа хизмат турларига нисбатан кам ривожланиши оқибатида замонавий маиший хизмат турларининг кенгайиб бириши ва бу хизматларга бозорда талабнинг юқорилиги билан аниқланади.

Вилоятда жами хизмат турлари бўйича хизматлар ҳажминининг қишлоқ жойлардаги ҳиссаси 2008 йилда 54% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич

2010 йилда 55% дан иборат бўлган. Лекин кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан салмоғи анча пастдир.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлиги комплекс баҳолашда ягона хулосага келингани йўқ. Шу сабабли меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш услубини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишда уни аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътиборни қаратиш зарур.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва кўрсаткичларини таҳлил этишни зарурат этади.

Меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичдир.

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан: хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат, банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари даражасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдорини тармоқда банд бўлганлар сонига нисбати орқали аниқланади.

$$W_{\text{тармок}} = \frac{ЯҚҚ}{N}, (2.1);$$

Бу ерда: $W_{\text{тармок}}$ – тармоқда меҳнат унумдорлиги даражаси,
ЯҚҚ – тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат,
N – тармоқда банд бўлганлар сони.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг бундай усулини қўллаш қуйидаги сабаблар орқали асосланади:

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) кўрсаткичи қийматли кўрсаткич бўлганлиги учун биз дефлятор (таққослаш) усулидан фодаландик, яъни ялпи қўшилган қиймат миқдорини таққослама кўринишга келтирамиз. Қиймат кўрсаткичларини таққослаш учун қуйидаги дефляторлардан (таққосланадиган индекслар) фойдаланамиз.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил этиш учун савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг 2007-2010 йиллардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар танлаб олинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида ЯҚҚ ҳажми 2007-2010 йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга. 2007–2010 йилларда ЯҚҚ нинг ўсиш суръати савдо ва умумий овқатланишда 2,6 баробарга, транспортда 2,7 баробарга ошган. Шу хизмат кўрсатиш соҳасида эса 6,4 баробарга ошган. Шу билан биргаликда вилоятнинг мазкур соҳа ва тармоқларида иш билан бандик ҳам мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга (2.2.1.-жадвал).

2.2.1. - жадвал

Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар 1 январ ҳолатига хизмат кўрсатиш тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ва иш билан бандлар сони (N) *

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

2008	193107,7	94,7	153697,1	89,7	13890,8	15,9

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.2.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар 1 январ ҳолатига хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (Савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да меҳнат унумдорлигининг ўсиш сурати. (%)*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари		

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ушбу жадвал маълумотларига асосаланиб меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ҳисоблаб, шундай хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятида тадқиқ қилинаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш динамикаси мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2007-2010 йиллар мобайнида меҳнат унумдорлиги транспорт (йўловчиларга хизмат кўрсатиш) тармоғида бир мунча юқори бўлган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 385,6 минг сўмга сўмга ортиқ бўлган, лекин маиший хизмат соҳасидаги хусусий ривожланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги савдо ва умумий овқатланиш ва транспорт тармоқларига нисбатан юқори даражада ўсиш тенденциясига эга.

Масалан, 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 2,2 баробар, 2008-2009 йилда 173,5% га, 2009-2010 йилда 147,5% га ўсган. Яна шуни эътироф этиш жоизки, 2006-2009 йилларда таҳлил этилаётган қолган тармоқларда меҳнат унимдорлигининг йиллардаги ўсиши нисбатан паст бўлган.

Шу билан бир қаторда В.Баумолнинг гипотезасини яна бир бор текшириш учун тақиқ қилинаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича меҳнат унимдорлигини ўсиш сураътини таҳлил қилиш зарур.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унимдорлигининг ўсиш суратини юқорилиги маиший хизмат соҳасида кўзатиш мумкин. Шунингдек хизматнинг барча турларида таҳлил этилаётган йиллар ичида жами ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўсган, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида меҳнат унимдорлиги ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган (3,4-иловалар).

Таъкидлаш мумкинки, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унимдорлиги барқарор ўсиб бормоқда. (4-илова, 2,3-жадвал). Лекин В.Баумоль таснифига кўра, асимптотик инерт шахсиз хизматларга кирувчи савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унимдорлиги йиллар мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур жараёни соҳада банд бўлганлар ҳиссасининг ортиб бориши билан изоҳланади.

Вилоятда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича юқорида келтирилган таснифига кўра, молиявий, кредитлаштириш ва суғурта хизматлари ишбилармонлик хизматлари бўлиб, прогрессив шахсиз хизмат турига киради. Ушбу йўналишдаги хизматлар жами ҳажми барқарор ўсиш суръатига эга. Масалан, вилоят бўйича молиявий хизматлар 2006-2007 йилларда 2,2 баробарга, 2006 – 2008 йилларда 3,6 баробарга ўсган.

В.Баумоль таснифи бўйича соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, таълим, ҳуқуқий ва ижтимоий таъминот хизматлари инерт индивидуал хизматлар бўлиб, улар ижтимоий хизматлар ҳисобланади. Вилоятда бу йўналишдаги хизматлар ҳам таҳлил этилаётган даврлар ичида барқарор юқори ўсиш тенденциясига эга (2-илова, 1-жадвал).

Таҳлиллар асосида олинган маълумотларга кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унимдорлиги ва унинг ўсиш суръатининг турличалиги тўғрисидаги таклифини исботлайди. Масалан молиявий хизматлар юқори ўсиш суратига эга бўлса, савдо ва транспортда меҳнат унимдорлиги юқори, лекин ўсиш суръати нисбатан пастроқ даражада бўлган. Таклиф бўйича инерт индивидуал хизматлар сифатида таъминот, жисмоний тарбия ва спортда хизмат кўрсатиш ҳажми таҳлил этилаётган йиллар мобайнида пастроқ суратда ўсган.

2.3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари самарадорлигининг омилли таҳлили

Маълумки, хизмат кўрсатиш – бу хизматни бажарувчисининг унинг истеъмолчиси билан бевосита алоқасига тўғри келадиган фаолиятидир. Мазкур хизмат кўрсатиш жараёни хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчилар буюртмаларини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, яъни ташкилий-техник вазифалар ва хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш, хизматнинг зарурий сифатини белгилаш ва таъминлаш ҳамда истеъмочига етказиш тартиблари ва шарт-шароитларини олади.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини модернизациялаш шароитида мамлакатимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари хизмат кўрсатиш жараёнинг барча сир-атворлари бўйича юқори касбий билим ва малакага эга бўлишлари лозим. Бу эса соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда хизмат сифати яхшиланади. Хизмат кўрсатиш сифати кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш услубларига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш услублари сервис корхоналарининг турлари ва ихтисослигига боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш сифатига хизмат кўрсатиш шароитлари бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнда истеъмолчига таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш жараёнида фаолиятни амалга оширишнинг асосий элементлари бўлиб хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ходимлар, хизмат кўрсатиш воситалари, предметлари ва хизмат кўрсатиш шароитлари ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятининг самарадорлиги корхоналар раҳбарларининг ташкилий-бошқарув ва ташкилий-иқтисодий жараёнларини илмий асосда ташкил этишга боғлиқ. Хизмат кўрсатиш корхонасининг ташкилий-бошқарув фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

- хизмат кўрсатиш корхонасининг фаолиятини режалаштириш, хизматлар бозори конъюнктурасининг ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш;

- хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда технолигик асбоб-ускуналар ва техник воситалар таркибини оптималлаштириш;

- истеъмолчилар билан ишлаш учун ижтимоий-психологик лаёқатга эга бўлган мутахассасларни танлаш;

- хизмат кўрсатиш ходимлари касбий маҳорати ва малака даражасини ошириш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига интенсив ривожланишни таъминлаш;

- ишлаб чиқариш жараёни ва хизмат кўрсатиш фаолиятини техник қуроллантириш;

–ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари самарадорлигини баҳолаш;

–хизмат кўрсатиш натижаларини ошириш;

Республикамизда амалга оширилаётган бир қатор иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, хусусан, унинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Самарқанд вилоят иқтисодиёт соҳаларива тармоқлари (саноат, қишлоқ хизмат кўрсатиш) иқтисодий ўсишнинг умумий индекси, яъни меҳнат унумдорлиги, фондлар қийматини, банд бўлган ишловчилар ва аоасий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда иқтисодиёт секторлари бўйича иқтисодий ўсиш динамикаси ишлаб чиқилди, бу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалларда келтирилган.

2.3.2 – жадвал

Самарқанд вилоятида 2006 – 2010 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси.

С
о
х
а

в
а

т
а
р
м
о
қ
л
а
р

С а н о а т	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш
1	1,13	1,0
, 1 6		
1	1,27	1,01
, 2 1		
1	1,4	1,0
, 2 2		
1	1,27	1,03
, 2 3		
1	1,26	1,04
, 2 4		

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Юқорида келтирилган жадваллар ва расмлардан кўриниб турибдики, жадваллар ва расмлар қишлоқ хўжалиги тараққиётларидан фарқли равишда хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фонд қайтим) таъсири бир мунча камроқдир. Таҳлил этилаётган даврлар оралиғида мазкур соҳада иқтисодий ўсишнинг умумий индекси 2006 ва 2008 йилларда бирга тенг бўлиб, 2009 ва 2010 йилларда бирдан салгина катта бўлган.

Вилоятда бозор муносабатлари ривожланишининг дасталабки йилларида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган (яъни, шу соҳада банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқари фондлари миқдори). Шунинг учун ҳам вилоят хизмат кўрсатиш

соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини ҳисобдашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилган ва улар қуйидаги жадваллар (2.3.4-жадвал, 2.12-жадвал, 2.13-жадвал ва 2.9-расмларда келтирилган). **2.3.3-жадвал**

Самарқанд вилояти 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари, маиший хизмат)да меҳнат унумдорлиги ($I_{м.у}$) ва фондлар қаймати даражасининг индекси.*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.3.4-жадвал

Самарқанд вилоятида 2007 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси*.

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари		
	Савдо ва умумий овқатланиш		

2008	1,2	1,5	2,2

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсиш асосан интенсив омилларни ($I_k > 1$) ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтимини индексларининг ошиши ҳисобига ўсган. Лекин, таҳлил этилаётган даврлар оралиғида таҳлил этилаётган соҳа ва тармоқларда иқтисодий ўсишга интенсив омилнинг таъсири камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бу эса асосан кейинги даврларда хизмат кўрсатиш соҳасида экстенсив омиллар таъсирининг ўзгариши ҳисобига ўсишни ифолайди. Жумладан, соҳада банд бўлганлар ва мазкур соҳа тармоқларида асосий фондлар қийматини ошиши экстенсив ўсиш тенденциясига тўғри мутаносбликда таъсир кўрсатади.

Вилоятда маиший хизмат соҳасидаги интенсив ўсиш индекси (2007 йилда $I_k = 3,3$) қолган таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш тармоқларига нисбатан бир мунча юқоридир. Бунинг асосий сабаби хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш ва транспорт тармоқларига нисбатан маиший хизмат соҳаси кам ривожланган ҳамда замон талаблари даражасида талаб юқори бўлган янги маиший хизмат турларининг вужудга келиши, дастлаб интенсив ўсиш омили (меҳнат унумдорлиги ўсиш ва фондлар қайтимининг юқорилиги) юқорилиги билан аниқланади. Кейинчалик вақт ўтиб бориши маиший хизмат турлари бўйича соҳада банд бўлганлар ва асосий фондларнинг ўсиб бориши экстенсив омиллар таъсирининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора камроқ самара бериб боради. Ўз навбатида, хизмат

кўрсатиш соҳасида унумдорлик кўрасатгичларининг аҳамиятини ошири ва ҳисобланиши (ресурс-сарф ёндашувидаги самарадорлик) ўзининг долзарблигини йўқотади, чунки хизмат кўрсатиш фаолиятида иқтисодий самарадорликка экстенсив омилларининг таъсири нисбатан уствор аҳамият касб этиб бормоқда. Яна шуни қайд этиш жоизки, юқорида таъкидланган қонуният асимптотик-инерт хизмат кўрсатиш турида ва инерт-индивидуал хизмат категорияларида (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт) кўпроқ даражада намоён бўлади.

Таҳлиллар асосида олинган маълумотлар, ўз навбатида хорижий иқтисодий адабиётларда эътироф этилган фикрларни, яъни муайян вақт ўтиб бориши билан хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омилларнинг таъсири сусайиб боради деган тезис ўз тасдиқини топаётганлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам, меҳнат унумдорлигини ва фондлар қайтимини ошири ҳисобига хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишни таъминлаш объектив қийинликларни юзага келишига олиб келмоқда. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳаларида кейинги вақтларда моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан меҳнат ресурсларининг бандлиги ошиб бормоқда ва аксинча, меҳнат унумдорлиги камайиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсатгичларини ўрганиш ҳамда хорижий иқтисодий адабиётларни ва статистик маълумотларни таҳлил этиш асосида соҳасида шундай хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти доирасида хизмат кўрсатишни меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси (самарадорликни ресурс-сарф ёндашуви нуқтаи назаридан) нуқтаи назаридан уч категорияга яъни, инерт-индивидуал хизматлар, прогрессив шахсиз хизматлар, асимптотик-инерт хизматларга бўлинади. Унумдорликни ўсиш суръати ва аҳамияти кўпроқ прогрессив хизматлар (оммавий юқори автоматаштирилган хизматлар) категорияси орқали тавсифланади. Инерт-индивидуал хизматлар (индивидуал

автоматлаштирилмаган хизматлар) эса нисбатан паст суръатда тавсифланади. Асимптотик инерт хизматлар категорияси (индивидуал автоматлаштирилган хизматлар) эса кўп томонлама характерга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси хизматлар кўрсатишда прогрессив компонентларнинг хоссасига боғлиқ бўлади.

2. Мамлакатимиз, хусусан, Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг омили таҳлили шундан далолат бермоқдаки, хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омиллар таъсирида (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтимининг ўсиши таъсирида) нисбатан паст бориш тенденциясига эга бўлиб, вақт ўтиб бориши мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида унинг ўсиш экстенсив омиллар (соҳада банд бўлган ишловчилар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлар қийматини ошириш) таъсирида эришила боради. Шу билан биргаликда яна шуни эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича олиб борилган иқтисодий ўсиш динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги қонуният хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқлари учун характерли эмас. Масалан, прогрессив шахсиз хизматлар кўрсатишда интенсив омилнинг ўрни ва роли юқорироқ бўлса, инерт-индивидуал хизматлар кўрсатишда эса экстенсив омилларнинг аҳамияти юқоридир.

3. Мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичини таҳлили давомида олиб борилган тадқиқотлар хизмат кўрсатиш фаолиятининг баъзи турларида иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, В.Баумоль томонидан эътироф этилган хизматлар: инерт-индивидуал ва асимптотик инерт шахсиз хизматларда прогрессивлик компонентлари ҳиссасини пастлигини кўрсатмоқда. Бундай хулосани иқтисодий ўсиш динамикасини омилли таҳлили асосида ҳам келтириш мумкин. Инерт-индивидуал хизматларда иқтисодий ўсиш

экстенсив омиллар асосида содир бўлмоқда. Бу соҳаларда хизматларни ишлаб чиқиш ва кўрсатиш нисбатан ишлаб чиқариш омилларини миқдорий ошириш ва фойдаланиш орқали эришилмоқда. Демак, унумдорлик (самарадорлик) кўрсаткичлари хизматнинг инерт ва асимптотик инерт хизматлари категорияларида хизматлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда тўлақонли лаёқатли эмас.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар инерт-индивидуал ва асимптотик инерт хизматлар самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашувини чекланганлигидан ва уларда соҳани ривожлантириш учун прогрессив компонентларни ҳиссасини пастлигидан далолат беради. Бу ҳол таҳлил этилаётган муаммога комплекс тарзда ёндашиш зарурлигини тақозо этади.

2.4 Хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергонадзор),

прократура шунингдек касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси буйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид булган қўриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тўғри ҳисобга олинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини ўрганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик, сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси буйича жамоат инспектор хўжаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, ҳимояловчи қурилмалар бузуклигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, ҳимояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшмаси қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги буйича ишларни касаба уюшмасига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат

назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, мактаб ва тиббиёт муссаларида кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия нazorати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария нazorати Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнгин халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жихатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса қишлоқ хўжалигида ёнгинга қарши чора-тадбирлар жуда ҳам кучайтирилган, чунки қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар тез ёнувчан хусусиятига эга, бунга пахтани яққол мисол қилиб олиш мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши оқибатида катта миқдорда иссиқдик ва нурланиш ажралиши билан кечадиган ҳолатга *ёниш* деб тушунилади. Ёнгинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи муҳит, қиздириш жараёни сабаб бўлади.

Корхонани лойихалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш коидасининг бузилиши агросервис корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йул қуйилиши билан боғлиқ. Агросервис корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қуйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида ёнғин, портлаш билан боғлиқ авария 20% ни ташкил этади. Корхоналарда ёнғинсиз портлаш содир бўлиши ноорганик моддалар иштирокида 15%ни, ёнувчи газлар билан 15% ни, карбонводородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 32,5 %, бошқа моддалар иштирокида 7,5% ни ташкил этади. Шу жумладан портлаш ёнғин билан булиши ноорганик моддалар иштирокида — 5%, ёнувчи газлар билан — 5%, ёнувчи суюқликлар билан —7,5%, карбон водородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 12,5% ни ташкил этади. Ёнувчи суюқликлар буғларининг портлаши иккиламчи ёнғинга олиб келади.

Корхоналарда ёнғин, портлаш хавфлилиги қайта ишланадиган моддалар миқдори, физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларига, ускуна ва жихозлар иш режимига, аланга маибаи борлиги ва ўтнинг тез тарқалашига боғлиқ.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тўсиқлнган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;

- 4) ускуна, газ қувурларида, хаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси хосил булишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6) енгил алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7) белгиланган хизмат кўрсатиш режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;
- 8) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо булишига йўл қўймаслик;
- 9) ёнгин ва портлашнинг таркалишига йул қўймаслик;
- 10) қуриқ, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнгин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим аниқ, тадбирлар ишлаб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бино ва иншоотларида ёнгинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган хаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт учирини моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам заҳарли ва заҳарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун ишлаб чиқариш объектлари ва майдонларини ёнгин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнгинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

III-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таминлашда хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириш борасидаги муҳим вазифалар

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган изчил тадбирлар ва қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Шунингдек, соҳасининг юқори суръатлар билан узишсини таъминлашга қаратилган ҳукукий асослар ҳам яратилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Бунинг натижасида республикада соҳада бир канча ижобий курсаткичларга эришилди:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратилди;
- 2010 йилда хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказилди;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб борилди;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожланди;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтиришга эришилди;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланиб, 2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Таркибий янгиланишдаги алоҳида еътиборни талаб етадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат» деб қуйидагиларни таъкидладилар:

... «Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”.

Аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича Самарканд вилоятида ҳам бир мунча ижобий ўсишга эришилган. 2011 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2010 йилга нисбатан 132,8% га ўсган.

Шунингдек, вилоятида аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича чакана савдо айланмасида 2011 йилда 2171401,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 116,9 фоизга, жами хизмат кўрсатиш 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 117,3 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2011 йилда 888763,4 млн.сўм яъни 2010 йилга нисбатан 113,0 фоизга ўсганлигини куришимиз мумкин (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

2010-2011 йилларда Самарканд вилоятида аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми

[illegible]

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юklarини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Самарканд шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича

туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шахобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шахобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини

кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

3.2. Хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари.

Хизматлар соҳаси халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисми бўлиб иқтисодий муносабатлар умумий тизими таркибига киради ва жамиятдаги мавжуд иқтисодий қонунларга бўйсунди. Ҳозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифида улар уч секторга бўлинади: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, казиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати) ва учламчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа). Бугунги кунга келиб, иқтисодий адабиётларда хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, ушбу соҳага маиший хизматлар, йўловчи транспорти хизматлари, алоқа хизматлари, турар жой коммунал хизматлари, таълим, маданият, санатория-соғломлаштириш, ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий функциялари бир-бирига ўхшаш хизматлар киради.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда эса умумий овқатланиш ва савдо хизматлари 18,6 фоизга ўсди ва 8607,5 миллиард сўмни ташкил этди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари юртимизнинг барча минтақалари бўйича ўсиш суъратлари ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Чакана товар айланмаси 16,8 фоизга ўсди ва 28,3 триллион сўмни ташкил қилди. Умумий сотув ҳажми бўйича дўконлар улуши 41 фоизни ташкил этди,

улгуржи товар айланмасининг ўсиш суърати 112,4 фоизни ташкил этган ҳолда, чакана савдога 11037,8 миллиард сўмлик товарлар йўналтирилди. Натижада бозорнинг 36 фоиз маҳсулотлари улгуржи савдо тармоқлари орқали тўлдирилди. Чакана товар айланмаси тизимида жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда ва бу асосан мамлакатимиз маиший хизмат маҳсулотлари ва енгил автомобиллари сотувининг юқорилиги ҳисобидан истеъмолдан ташқари маҳсулотлар улушининг ўсиши амалга оширилмоқда.

Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини бажариш жараёнида республика, вилоят ва вилоятлараро ихтисослаштирилган улгуржи-савдо базаларини ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди, уларнинг фаолияти ва хомашё таъминоти йўлга қўйилди. Республика ихтисослаштирилган улгуржи-савдо база-конторасига минтакавий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни шаклантиришда ва уларга юклатилган вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатилди.

3.2.1- жадвал

**2007-2011 йилларда Ўзбекистон минтақалари бўйича савдо ва
умумий овқатланиш хизматларини ривожланиш ҳолати (солиштирма
нархларда) Ўтган йилга нисбатан фоизда**

Х из ма т ха ж м ин ин г ўс и ш и										
	20 07 йи л	2008 йил	2009 йил		2010 йил		2011 йил			
	ре жа	ама лда	режа	ама лда	режа	ама лда	режа	ама лда	режа	амал да
11 6, 2		132,5	117,8	126,8	119	121,8	121,5	116,9	117,5	118,6
L у м у м ла да н :										
K1 Ø, p4 a		130,8	118,6	124,6	118,8	119,1	121	117,5	119,0	125,8

К · Р е с ·									
А1 Ю, Д8 и ж о н в и л о я т и	132	114,5	120	115,5	116,2	118	113	114,0	119,9
В1 У, х8 о р о в и л о я т и	159,4	118,2	123,5	118,8	119	121	113,5	117,0	117,0
Ж1 И, з6 з а х в и л о я т и	130,6	115,5	108	118	115,5	120,2	125	114,0	124,9

К1 а, ц к а д а р ё в и л о я т и	123	119,2	117,4	119,7	120,8	122	113,5	117,0	123,9
--	-----	-------	-------	-------	-------	-----	-------	-------	-------

И2 а2 в о и й в и л о я т и	136,8	122,2	124,5	122,5	130,3	123	123	117,0	119,3
---	-------	-------	-------	-------	-------	-----	-----	-------	-------

И2 а2 м а н г а н в и л о я т и	124,5	125	126	125	125	132,2	121	116,0	122,8
---	-------	-----	-----	-----	-----	-------	-----	-------	-------

Д1 а2, м а р	139,1	113	145,2	113,2	122,2	115,4	121	116,0	122,6
--------------------------	-------	-----	-------	-------	-------	-------	-----	-------	-------

К а н д в и л о я т и									
12 у р х о н д а р ё в и л о я т и	128,8	121	131,4	121,5	113,5	122	117	118,0	122,2
11 р д а р ё в и л о я т и	134,9	115	127,6	118	120,9	120	119	119,0	123,6
11 б, 15 к е н т	144,6	116,8	131	117	128,8	119,2	108	115,0	116,9

В и л о я т и									
11 а, р6 ф о н а В и л о я т и	128,8	120	120	125	124,9	127,1	130	116,0	120,8
11 Ф, р4 а з м В и л о я т и	126,9	124	122,6	125	125,4	127,6	114,5	116,0	123,3
11 Ф, 1Б к е н т п а х р и	127,1	116	128,2	117	119,5	119	117	120,0	113,9

Сўнгги йилларда туризм саноати аксарият мамлакатларда муҳим ўринлардан бирини эгалламоқда. Туризм саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулот — туристик маҳсулот хизматлар ва товарларнинг анча катта ва ранг-баранг комплексини ўз ичига олади. Бу маҳсулотлардан кишилар саёҳат қилишда, шунингдек туризм доирасида дам олиш, хордиқ чиқариш, даволаниш, ўз билим ва касбий даражасини оширишда фойдаланишлари мумкин. Бунда туристик маҳсулотнинг таркибий қисмига кирувчи транспорт хизматлари унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Йўловчиларни, шу жумладан, туристларни ташиш ҳар хил транспорт турларида, чунончи, ҳаво, ер усти, сув транспортида амалга оширилади. Туристик ташувлар учун транспорт турларининг оммавийлиги ёки талаб этилиш даражаси мамлакатнинг жўғрофий ўрни ва иқлим шароитларига, иқтисодий ривожланиш даражасига, миллий анъаналарига, одамларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш даражасига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ҳар бир транспорт турининг ўз устун жиҳатлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, улар тарихий ривожланиш, техник, иқтисодий ва экологик кўрсаткичлар билан белгиланади, аммо транспорт тизимларининг барча турлари бир асосий мақсадни — ташиш хизматларини кўрсатишда саёҳатчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кўзлайди. Шундан келиб чиқиб, туристларга транспорт хизматлари кўрсатишни туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуи деб таърифлаш мумкин.

Транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқий базага асосланади. Ушбу ҳужжатлар: 1) турли халқаро транспорт ташкилотлари томонидан; 2) мамлакатларнинг миллий қонунчилиги доирасида; 3) юк ва йўловчи ташувчиларнинг ички қоидалари тарзида ишлаб чиқилган. Халқаро туризмни амалга оширишда транспорт хизматлари кўрсатишнинг турли жиҳатларига алоҳида диққат-эътибор

бериш лозим. Саёҳатлар соҳасида халқаро ҳамкорлик чегараларининг кенгайиши божхона, чегара ва санитария назоратини амалга ошириш нормалари ва қоидаларини муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Жамиятда фан-техника тараққиёти одамларни ер юзининг исталган нуқтасига тез элтиб қўйишга қодир транспорт воситалари (овоздан тез учар самолётлар, тезюарар поездлар, автомобиллар, музёарар ва сувости транспорти ва бошқалар) пайдо бўлишига, шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасига янги технологиялар жорий этилишига олиб келди. Бу чипталарни бронлашнинг глобал тизимларида ва чипталар сотишнинг ноанъанавий усулларида, юк ва йўловчи ташувчиларнинг чартер дастурлари вужудга келиши ва ривожланишида, турли ахборот тизимлари ишлаб чиқилишида, йўловчи ташишнинг техник ва технологик режимларини назорат қилиш электрон қурилмаларидан фойдаланилишида, уларнинг хавфсизлиги оширилишида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда транспорт хизматлари ривожланишини қуйидагича тахлил қилиш мумкин. 2010 йилда транспорт хизматларининг ўсиши башорат бўйича 118,9 фоиз белгиланган бўлса, амалда 121,5 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, 2010 йилда барча минтақаларда транспорт хизматларининг ҳажми ўсиши таъминланди. Транспорт хизматларининг ўсиши асосан транспорт инфратузилмасининг кенгайиши ва йўловчиларни ташиш бўйича янги маршрутли йўналишлар ташкил этилишида номоён бўлди. Йўловчиларни ташиш бўйича маршрутли йўналишларининг сони режага нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда йўловчиларни ташиш бўйича 3721 та маршрут фаолият кўрсатмоқда (башорат-3687 та маршрут).

3.2.2- жадвал

Ўтган йилга нисбатан фоизда

Хизмат ҳажми нинг ўсиши									
2007 год Режа	2008 год	2009 год		2010 год		2011 йил			
	Амалда	Режа	Амалда	режа	Амалда	режа	Амалда	режа	Амалда
114,3	117,6	116,9	119,7	119,3	118,6	121,8	124,2	113,9	104,1
Луғатий асослар : 1140 рақ	125,3	114	120,5	115,5	123,4	116	117	118,0	118,6

Р е с . А07 н д и ж о н в и л о я т и	130,4	108,8	123,6	110,2	123,5	111,1	130	115,0	120,5
В и л о я т и В14 у,3 х о р о в и л о я т и	115,9	115,5	125,9	125,8	126,4	136	120	118,0	123,2
Ж07 и,3 з з а х в и л о я т и	118,9	108	120,2	109,1	109,1	109,3	133,3	119,0	118,9
В и л о я т и В12 а,4 п к а д а р	114,3	114,9	132,6	117,3	117,6	120	132,4	124,0	124,1

ё в и л о я т и н а, 2 в о и й в и л о я т и н а, 1 м а н г а н в и л о я т и н а м а р к а н д в и л о я т и	118	119,4	121	123,6	124	135,4	125,4	140,1	122,0	122,3
	12	127,6	115	129,2	120	126,7	133	133,7	118,0	124,2
	14	125,9	116	124,6	118	118,4	120	119	119,0	120,9
	15	126,4	117	125,1	119	119,9	121	120	120,0	121,0

120 у,5 р х о н д а р ё в и л о я т и	146,8	141	115	143	114,6	145	121,4	118,0	118,0
110 и,2 р д а р ё в и л о я т и	106,9	110,5	125	110,8	115	113	122	119,5	126,1
124 о,5 п к е н т в и л о я т и	111,8	124,8	131	125,5	126	125,9	136,4	118,0	118,1
112 а,8 р ф о н а	112,2	114,2	115,3	115,9	125,2	117,4	123,1	119,0	124,4

В И Л О Я Т И Ж О Р А З М									
118	122,6	119	121,7	119,5	120,2	122	118	121,0	114,2
В И Л О Я Т И Ж О П К Е Н Т П А Х Р И									
105	113,4	105,7	110,1	106,5	110,6	107	116	118,0	111,1

Вилоятлар ўртасидаги шаҳарлараро маршрутлар сони 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 250 тани ташкил этди. Қишлоқ жойлардаги транспорт хизматларининг улуши 44,1 фоизга етди. 4.2.2- жадвалга эътибор берсак 2011 йилда транспорт хизматларини кўрсатишда ижобий натижага эришилмаган. 2011 йил режасига кўра, 113,9 фоизга ўсиш режалаштирилган бўлса, амалда ушбу кўрсаткич 104,1 фоизни ташкил этган. Қишлоқ жойларда эса пассажирларни ташиш бўйича автотранспорт хизматларининг улуши атиги 35,9 фоизни ташкил этди.

Муайян транспорт тузилмалари ўртасида ҳамда ҳар бир транспорт тури доирасида йўловчи ташувчилар ўртасидаги рақобат кураши йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг такомиллашув жараёнига кучли туртки берди. Сервис сифати ва даражасининг ошиши ҳаракатланадиган таркибнинг ҳозирги

техник жиҳозланишида, йўловчиларга қулай ва шинам шарт-шароитлар яратилишида, транспорт воситалари бортида йўловчиларнинг дам олиши ташкил этилишида, йўловчиларни овқатлантириш сифатининг ошишида, транспорт компанияларининг доимий мижозлари учун рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилишида намоён бўлмоқда. Йўловчи ташувчилар транспортда болалар ва ногиронларга, шунингдек, бошқа тоифа йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича махсус тадбирларни амалга оширмоқдаки, бу йўловчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун имконият яратмоқда.

Турли транспорт тизимлари ўртасида яқин ҳамкорлик транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги муҳим йўналишлардан биридир. Бу мультимодал вокзаллар ташкил этиш, қатнов жадвалларини мувофиқлаштириш, транспорт хизматларини уйғунлаштириш ва йўловчиларга комплекс хизматлар кўрсатиш имконини беради. Шу муносабат билан мамлакатимизда йўл инфратузилмаси ва сервис объектлари хизматига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш транспорт хизматлари кўрсатишнинг энг муҳим масаласи бўлиб, у ҳаракатланадиган таркибдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни, транспорт воситаларининг ҳаракатини таъминловчи турли хизматлар профессионал тарзда ва уюшқоқлик билан ишлашини, йўловчилар ҳам хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишини, экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни назарда тутди.

Туристларнинг уюшган гуруҳларини ташиш аниқ маршрутларни ишлаб чиқиш, чипталарни буюртма қилиш, транспортда жойлаштириш, туристик дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани учун сайёҳлик фирмаларининг транспорт компаниялари билан яқин алоқалар ўрнатишига тўғри келади.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида туризм тармоғининг ўрни ва аҳамияти Ўзбекистоннинг халқаро туризм соҳасидаги рақобатдаги устунликлари, халқаро алоқаларнинг ривожланишида мазкур тармоқнинг роли ҳамда иқтисодий ўсишга қай даражада имконият яратиши билан белгиланади. Ўзбекистон туристлар эътиборини ўзига тортадиган мамлакат. У сайёҳларга қадимий ва гўзал шаҳарлар, хушманзара жойлар, бетакрор табиат манзаралари, бой тарих ва маданиятга эга бўлгани учун Ўзбекистонга қизиқиш бутун дунёда кучли.

ХУЛОСА

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Бугунги кунда мамлакатимизда КБХТни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида катор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- КБХТ субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- КБХТ субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;
- КБХТни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар,

акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлардан ёрдамни аямаслиги каби тартибларни киритиш мумкин.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни 4 босқичдан иборат эканлиги асосланди.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилди.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқилди.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлиги ва аҳамияти очиқ берилди. Бунда Қарши шаҳри имкониятларини ишга солишнинг йўналишлари асосланди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди. Буларга:

- вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшаши ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цехлар ташкил этиш;

- бевосита хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи КБХТ учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиш;

- амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи КБХТ субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида

уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга кўмаклашиш;

- маҳаллий хомашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этиш;

- шаҳар ва қишлоқ жойларида КБХТнинг турли хил тарихий ва анъанавий турларини ривожлантириш ва мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш асосида рақобатбардош хизматлар кўрсатишни жадаллаштириш;

- республика аҳолисининг 47 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда улар талаби ва эҳтиёжларига мос келадиган хизмат турларини (компьютер, интернет, фото ва гўзаллик салонларини, сартарош-хона ва бошқаларни) кенгайтиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратиш;

- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2008 й.
2. “Мулкчилик тўғрисида” 1990 йил 31 октябрь.
3. “Корхоналар тўғрисида” 1991 йил 15 февраль.
4. “Тадбиркорлик тўғрисида” 1991 йил 15 февраль.
5. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” 1991 йил 19 ноябрь.
6. “Кооперация тўғрисида” 1993 йил 28 декабрь.
7. “Фуқаролик кодекси” I-қисм 1995 йил 21 декабр II-қисм, 1996 йил 29 август.
8. “Меҳнат кодекси” 1995 йил 21 декабрь.
9. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 1996 йил 24 апрель.
10. “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”. 1996 йил 27 декабрь.
11. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” 1998 йил 24 декабрь.
12. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” 1998 йил 24 декабрь.
13. “Реклама тўғрисида” 1998 йил 25 декабрь.
14. “Баҳолаш тўғрисида”. 1999 йил 19 август.
15. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.
16. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2003 йил 11 декабрь.
17. “Тадбиркорлик субъектларини иқтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2007 йил 14 декабрь.

19. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 15 май.

Президент асарлари

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.- 364 б.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз Т. 8 - том. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. -528 б.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз 9–том. Т.: “Ўзбекистон”, 2001.- 432 б.
4. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. - 320 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлда. 16. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. - 368 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2007. - 200 б.
7. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2007 йил 31 август.
8. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига

- бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2008 йил 9 февраль.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. - 56 б.
 10. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2009 йил 14 февраль.
 11. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2010 йил 28 январь.
 12. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир”. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2010 йил 30 январь.
 13. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. // Т.,-2010.

14. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // “Зарафшон”. 2010 йил 10 декабрь.
15. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2011 йил 22 январь.

Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1. “2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарор 2005 йил 14 март.
2. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.
3. “Тадбиркорлик субъектларини юридик ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.
4. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июн.

5. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 20 июн.
6. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.
7. “Табиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 24 май.
8. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 18 апрель.
9. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2007 йил 23 май.
10. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 10 январь.
11. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 26 январь.

1. Китоблар ва туркум нашрлар

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

- 1.1.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
- 1.1.2. Абдуллаев Ё.А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 249 б.
- 1.1.3. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – “Меҳнат”, 1997. – 230 б.

- 1.1.4. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.
- 1.1.5. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – “Молия”, 2003. – 191 б.
- 1.1.6. Брагин Л.А. и др. Торговое дело : экономика и организация. – М.: ИНФРА – М, 1997. – 256 с.
- 1.1.7. Жалолов Ж.Ж. ва б. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. – Т.: ТДИУ, 1994. – 184 б.
- 1.1.8. Жалолов Ж.Ж. Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири. – Т.: “Адолат”, 1993. – 96 б.
- 1.1.9. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб – оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола. – Т.: ЖИДУ, 2009. – 56 б.
- 1.1.10. Зайнутдинов Ш.Н., Кадирходжаева Н.Р. Бозор назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 319 б.
- 1.1.11. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. “Ўзбекистон”, 1996, 1997, 1998, 1999. 2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007.
- 1.1.12. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). – Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
- 1.1.13. Котлер Ф. “Основы маркетинга”. – М., Прогресс, 1990, - 736 с.
- 1.1.14. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи”, 2003.- 139 б.
- 1.1.15. Левин А.И. Внутренний рынок: закономерности и проблемы развития. – М.: Мысль, 1997. - С. 260-261.
- 1.1.16. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2008. – 137 б.

- 1.1.17.Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: “Молия”, 2002. – 492 б.
- 1.1.18.Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. –М.: 2000. –315с.
- 1.1.19.Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 484 б.
- 1.1.20.Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 28 б.
- 1.1.21.Кудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 16 б.
- 1.1.22.Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли: натижалар ва вазифалар. Рисола. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 20 б.
- 1.1.23.Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 18 йиллик тараққиёт йўли: эришилган натижалар ва вазифалар. Рисола. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 39 б.
- 1.1.24.Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.
- 1.1.25.Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 24 б.

Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.Darvoza.uz>.

7. <http://www.Review.uz>.
8. <http://www.Trede sivilization in USA>.